

84
el-29

Мағрибо

Кенунапу —
бул баһрам...



МАРХАБО

КЕҢИШЛАРИ БИР БАЙРАМ...

Шефрард



Товариство — 2011

2011
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TALIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

000 «Муниципальная городская типография» Зак. 1096-1000

УДК: 821.512.133-1
ББК 84(5)6
М29

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг
20 йиллигига бағишланади.

Тақризчилар:
Санъат Маҳмудова,
Зухра Алиева



Эслатма:
Китобни кўчириб чоп этиш шартларини кўшиқ қилиш
муаллиф руҳини билан амаки оқтиради.

ISBN 978-9943-387-23-2

© «Yurist-media markazi»
нашриёти, 2011 й.

Миллий ва диний қадриятларимиз бир-бирини тўлдирмас
экан, бу кўннинг муаммоларини ҳал қила олаймиз.

Ислом Каримов



Энг буюк кашфуёт



Бўлиб пойтахт, буюк ислом
тамаддурига ул Шошим,
Жаҳон узра баланд бўлди
яна ўзбек деган бошим.

ЮРТ ҲАҚИДА ҚҶШПҚ

Сени чорлай саодатга, кел, эй, дунё, кел, эй, дунё,
Чароғон мулки жаннатга кел, эй, дунё, кел, эй, дунё,
Бурйб юз ширк, залолатга кел, эй, дунё, кел, эй, дунё,
Илоҳий илму ҳикматга кел, эй, дунё, кел, эй, дунё.

Қидай кўз-кўз, Навоийнинг изи тушган Самарқандни,
Деворларига Оллоҳнинг сўзи тушган Самарқандни,
Келин бўлиб Бибиҳоним ўзи тушган Самарқандни,
Муборақ бир зиёратга кел, эй, дунё, кел, эй, дунё.

Бухоро, Марғилон, Хива, Қўқону Андижон бекам,
Мозорлари сочандир нур, лойи ҳам мўмие, малҳам,
Босиб бағрита иймонини яшаб келди бу юрт ҳар дам,
Чўмил дарёи раҳматга, кел, эй, дунё, кел, эй, дунё.

Томошо қил, бу кун юртта Темурнинг шонлари қайтди,
Гўзал Қуръон, ғазал, дoston бегу султонлари қайтди,
Улуғбекнинг яна юлдуз тўла осмонлари қайтди,
Бўлиб лол файз, тароватга кел, эй, дунё, кел, эй, дунё.

Яна қарвонлари йўлда ипағу пахтаси бирлан,
Қутар қанча харидор, турк фаранг, рус лаҳжаси бирлан,
Келурлар неча тожирлар белида ақчаси бирлан,
Ҳалол ризқ, пок тижоратга кел, эй, дунё, кел, эй, дунё.

Бўлиб пойтахт, буюк ислом тамалдунита ул Шошим,
Жаҳон узра баланд бўлди яна ўзбек деган бошим.
Бўлиб пок, хуш, таҳоратли босиб тулпроқ ила тошим,
Қилиб товба, ҳидоятга кел, эй, дунё, кел, эй, дунё.

Улар касри қасрда қуфри исён ҳалдидан ортик,
Фалокат, дард ва осмонингда "Раҳмат чолири!" йиртиқ,
Узат қўлингни, бу шаҳват, зағоят ботқоқидан чиқ,
Келиб поклан, камолотга, кел, эй, дунё, кел, эй, дунё.

Тани ўзингни, ҳам юксал Навоий пешидан ушлаб,
Тутил ишқ ичра Машрабдек, ва бўл, унда, ёзу қишлаб,
Хувайёдек наҳомат қил имонсиз кўксинга муштанб,
Буюк ишқ, пок муҳаббатга кел, эй, дунё, кел, эй, дунё.

Ана бойлик, ана давлат, Бухорий раъзаси бунда,
Демакки, илми урфоннинг муқаддас Каъбаси бунда,
Магар, дин илдири Маккадаю, шоҳ, меваси бунда,
Қийиб эҳром, ибодатга кел, эй, дунё, кел, эй, дунё.

Элим, меҳмоннавоз, мусичаю тўрғайидан тортиб,
Баҳорда турнасин, ҳатто, қутодир "Мархабо" айтиб
Яна қай элда шунча хайри эҳсон, ўзидан ортиб?
Узан бу қалду қимматга, кел, эй, дунё, кел, эй, дунё.



НАВОИЙНИ КИМ ЎГИРЛАДИ?

Оҳангдорлик машҳур тадбиркор Зарифхонга

Ишхонада галва, тўпалон,
Бошлик аёл хит, жиғибийрон,
Дер: — Кирдимми пари ё чилтон,
“Марҳабо”ни ким ўғирлади?

Турган эди сумкамда шундоқ,
Тилла узук, бриллиант, болдоқ,
Ҳаммаси бор, китоб, йўқ, бироқ,
“Марҳабо”ни ким ўғирлади?

Гулдондаги гулим турипти,
Беш юз доллар пулим турипти,
Фақат китобимни кўрипти,
“Марҳабо”ни ким ўғирлади?

Уйда туриб йўқолди бири,
Йўлда юриб йўқолди бири,
Ўз кўлидан олганим буни,
“Марҳабо”ни ким ўғирлади?

Ўғри деган ўғирларди пул,
Олиб сотса бўлгудай ул-бул,
Бу не ўғри, бу қандай уеул?
“Марҳабо”ни ким ўғирлади?

Дастхати бор эди-я, эсиз,
Бўларди бозордан олганиз,
Халтанганини қоқинг ҳаммаганиз,
“Марҳабо”ни ким ўғирлади?

Кўрмайсизми кўлга тушишдан?
Тафтиш қилман-я, бир бошдан,
Топиб олсам, ҳайдайман ишдан,
“Марҳабо”ни ким ўғирлади?

Ёшсиз, сорсиз, бахтлисиз аниқ,
Мен бошқа гап, кўнглим ним, синиқ,
Сизга уни нимаси қизиқ?
“Марҳабо”ни ким ўғирлади?

Яхшиям бу Хувайдо эмас,
Ўқиб завқлан бўлди, десам, маст,
Олди шерьга кетиб шунча паст,
“Марҳабо”ни ким ўғирлади?

Нетарлингиз китоб, атарди,
Навой “Ҳамса”си бўлганда,
Пўлат сейфда сақларканман-да,
“Марҳабо”ни ким ўғирлади?

Бу қандай гап бўлди, во ажаб,
Кўнглим қолса Румийни тусаб,
Ўқийманми эшик танбалаб,
“Марҳабо”ни ким ўғирлади?

Уч кун сизга бераман муҳлат,
Ўқиб бўлиб қайтаринг фақат,
Ишхонада ўтирлик! Даҳшат!
“Марҳабо”ни ким ўғирлади?

Турганида зардаси қайнаб,
Келиб қолди укаси — қасосаб,
Дели: — Бой-пуй, бу нима чоп-чоп?
— “Марҳабо”ни ким ўғирлади?

Мен олганлим келганда у кун.

Аёл деди кўнгли бўлиб хун:

— Олгандирсан гўшт ўраш учун,

“Марҳабо”ни ким ўғирлади?

“Китобингдан пул яхши” дея,

Бермоқ бўлардинг-ку тарбий,

Сен ҳам китоб ўқийсанми-а?

“Марҳабо”ни ким ўғирлади?

— Тўғри, олдим гўшт ўраш учун,

Ўқиб чиқдим, билмайман нечун?

Аёл деди қилиб табассум:

— “Марҳабо”ни ким ўғирлади?

Сенки китоб ўқиясанми,

Демак, келди кесалиш даври,

Энди кўнглим тинчиди, майли,

“Марҳабо”ни ким ўғирлади?

Фақат сендан илтимос, ука,

Йўқотмасдан қайтаргин менга.

Ва ниҳоят топилди, мана,

“Марҳабо”ни ким ўғирлади?

Қассоб деди: — Шошманг, опажон

Йўқотиб бўлдим, аллақачон.

Йўлакчага остирдим эълон:

“Марҳабо”ни ким ўғирлади?”

Эшитдим бу можарони,

Ору қилдим, кун келса, қани,

Десақ, ўғирлатиб “Хамса”ни:

“Навоний”ни ким ўғирлади?”

Навоний бу — ҳикмат, ҳидоят,

Тўрт сатри бир мўъжиза, оят,

Умидим шу: десам, ниҳоят,

“Навоний”ни ким ўғирлади?”

Эл тўқ, бунда йўқолмайди нон,

Юрт тинч, шукур, ўғирланмас жон.

Қассоби ҳам бунда китобхон,

“Навоний”ни ким ўғирлади?

Ўғирланган нарсадан, расми,

Билинар эл турмуши асли,

Хуш келибсан, маърифат асри,

“Навоний”ни ким ўғирлади?



ДЕВ МИНГАН ЙИГИТ

Ҳожа эди дев, париларга,
Шоҳ Сулаймон алайҳиссалом,
Битта йигит ёнига келиб,
Кўрқиб-пусиб бошлади калом:

— Ҳиндистонга обборсин мени,
Шоҳим, айтинг биронта девга,
Ҳозиргина жаноб Азроил
Бир тикилиб қаради менига.

Балки ҳозир олаётганим
Ҳаётимда энг сўнгги нафас,
То кечгача жонимни олиб,
Ҳиндистонга қочмасам бўлмас.

Расул деди: — Кутулмогинга
Аминмисан, қочиб шу йўсин?
У: — Ҳа, — дегач, деди Сулаймон:
— Унда, майли, оббориб қўйсин.

Йигит кетди бир девга миниб,
Қараб қолди Оллоҳ расули.
Бирдан Сулаймоннинг олдига
Келиб қолди Азроил ўзи.

Ҳурмат билан шоҳ бошлади гап:
— Битта савол берсам майлими?
Ҳали нега қаттиқ тикилиб,
Кўрқитдингиз бир умматимни?

— Кўрқитмадим, ҳайрон бўб қолдим,
Кўриб уни юртанин бунда.
Ҳиндистонда жонин олпиним
Керак эди шу бўлуи тунда.

ЭНГ БҲҮОК КАШФИЁТ

Инсоннинг томири ҳам,
Дарёга ўшар асли,
Яшайдилар тубида
Ҳар хил жонзотлар насли.

Микроблар, вируслар,
Фойдасизу, фойдали,
Униб-ўсиб, кўпайиб,
Яшар тартиб-қоидали.

Унда бир вирус борки,
Ҳеч кўзага кўринмаган,
Олимлар томонидан
Рўйхатга олинмаган.

Микроб, вирус чақирса,
Ҳар хил дарду қулфатни,
У чақирад бошларга
Дўзах деган офатни.

Бўйруқ берар турволиб,
Юратингиз тўрида.
Ўзи кўринмас катта
Заррабининг зўрида.

Ўша маккор вируснинг
Номи Азозил — Шайтон,
Оллоҳ паноҳ бермаса
Ундан қутулмоқ гумон.

Микроб вируслардан-ку
Эмлансангиз — кўнгли туқ.
Аммо Шайтон вирусин
Қушандаси ҳали йўқ.

У минг айёр бўлмасин,
Бугун боши чопилди.
Дунёларга жар солинг,
Кушандаси топилди!

Хозиргина кашф этдим,
Баҳоси тенг тилдога,
Ундан қутилоқ йўлин,
Ўрғатаман дунёга.

У дори томизилар
Ё санчилар куракка.
Суртиб қўйса ҳам бўлар
Шундоққина юракка.

Бир ишлатган билди,
Унинг илоҳий кучин,
Тайёрласа бўлади,
Ҳар киши ўзи учун.

Хомашёсини айтий,
Ўзимизда бор нарса,
Қасд қилганлар топади,
Ҳамма гап тайёрлашда.

Қалам олиб ёзволдинг,
Нима, қанча, қайдасин,
Айтганимда бир чимдим,
Қўп ҳам, оз ҳам бўлмасин.

Кўнгиладати Яхшилик
Булоғидан бол олиб,
Ҳикмат нурига тоблдинг,
Битта хумчага солиб.

Киборни тўплаб, ёқиб,
Олиб бир оз қулидан,
Араштирадинг Иймон
Дарахтининг гулидан.

Ўйламангки, бу дарахт
Қўхирофнинг тоғида,
Гулдаб турипти, шундоқ,
Кўнглимизнинг боғида.

Хумчангиз ўз-ўзидан
Нур таратган замони
Қўлга оласиз, демак,
Тайёр бўлипти дори.

Вирусни ҳайдаш учун,
Бир томчиси етади.
Ҳаётингиз бутунлай,
Гўзал бўлиб кетади.

Энди қаноат майин,
Бир косага шопириб,
Ейсиз қаттиқ нонни ҳам,
Шу косага ботириб.

Сарфламайсиз беҳудда
Умр, бойлик, асабни,
Ақл тизгини билан
Жилволайсиз ғизобни.

Сизга зулм қилганни
Қарғамайсиз ошқора.
Ундан қутилиш учун
Кўрилган битта чора:



Ўтинасиз: “Ё, Роббим!
Ўшанга инсоф бергин,
Агар инсоф бермасанг,
Ўзинг кифоя қилгин”.

Урмай, сўкмай, тортишмай,
Тоқат билан қутасиз,
Яратганга қасамки,
Сиз, алба, га, ютасиз.

Ким сизни бадном қилиб,
Ким устингиздан қулар,
Хайлан ўша ёкка,
Юборинг атиргуллар.

Кимга не тиласангиз,
Яхши биласиз, магар,
“Ўзингга ҳам бўлсин”, деб,
Туришин фаришталар.

Заҳарга бол қайтариб,
Зулматга сочиб зиё,
Бир марта қараганини,
Минг бор қиласиз дуо.

Хушёр бўлинг, дорига
Тушмасин ҳасад ҷанги,
Кечу араз кўшилса,
Бўзилар таркиб, ранги.

Синаб-синаб, уни қалб,
Шишасига қўйдим мен.
Оғизга текбир айтиб,
“Сабр” деб, ном қўйдим мен.



Сўнг “Шукр” калимасин,
Қопқоқ қилдим дорига,
Хавога қилдим аҳли
Дониш эътиборига.

Иншооллоҳ бу дори,
Ушлаб маҳкам қўлидан,
Одамларни қайтарар,
Жаҳаннамнинг йўлидан.

Мен эса шу дорига,
Чорлаб инсон зотини,
Иншооллоҳ оламан
Нобел¹ мукофотини.



¹ Математика: фанларнинг танқиди, барча илм. фан соҳасидаги
мактаб каттафотулар учун берилган халқаро мукофот.

ЎПКАСИ ТЕШИК ОТ

Қадим замон бозорга бориб,
От сотипти бирояга биров,
Олган одам денти: — Тартиб шу,
От айбини айтасиз дарров.

Яширсангиз агар айбини,
Пули сизга бўлмайди ҳилол,
Пешингиздан дўзахга тортар,
Айбин айтмай сотилган ҳар мол.

— Бу отимнинг ўпкаси тешик, —
Денти, отин сотётган киши,
От олётган одам қараса,
Тушмаганимиш биронта тиши.

Қассоб экан, от олган одам,
Дермиш: “Зур-ку, кишнаб, чопиши,
Буни билмай айтдиёв, майли,
Яхши чикса бўлди қазиси”.

Отни сўйса, ўпка тешикмиш,
Ваҳ, этаси қаердан билган?
От этаси денти: — Бу аниқ,
Чунки, унинг боласи ўлган.

Отта шунча бўлса, одамга,
Фарзанд доғи оғир мушибот,
Юзин юлмай сабр эта ким,
Мукофоти, албатта, жаннат.

ҲУКМ

Йигит деди: — Молимини
Отам олиб қўйдилар,
Қандай ҳукм қиласиз?
Расулulloҳ дедилар:

— Бир гап айтаман сента
Бу бир умрлик ўғит:
Ўзинг ҳам, мол-мулкнинг ҳам
Отангники, эй, йигит.



ЭНГ ГЎЗАЛ ТУШИМ

“Яқинларингиздан бошланглар, —
Дейилган, — яхшилик қилишни”.
Шу ҳикмат хурмати айтаман,
Умримдаги энг гўзал тушни.

Чақалоқли бўлди келиним,
Азиз неъмат этилди ато,
Йиғлаб чиқди бир кун гўдаги,
Ярим кеча бўлгунча то.

Деразасин чертиб оҳиста,
Дедим: — Қарашайинми, онам?
Келин деди: — Қийналасиз-да...
Дедим: — Савоб бўлади, болам.

Олиб чиқдим болани секин,
“Алла” айтдим, хонамга кириб,
Инжиқ чолим овозимиздан,
Уйғониб кетмасин ишқилиб,

“Кечкурун ҳам тинчлик йўқ”, дедя
Калишини отмасин тагин,
“Бор, обкириб бер”, деб, жоврайди,
Жоним, болам, секин йиғлагин.

Набирани бағримга босиб,
Юриб чиқдим яқин тонггача,
Кейин юмшоқ курсига чўкиб
Ухлаб қолдим, билмайман, қанча?

Туш кўрибман, тушимда Каъба,
Намоз, сифда бўлиб қолибман,
Сафлар “зв-зв” алмашиб, ўзим
Энг олдинга чиқиб қолибман.

“Жамоатнинг намозин ўқи”
Дермиш салобатли бир овоз,
Кўзимда ёш, вужудим титраб,
Имом бўлиб, ўқибман намоз.

Аёл бошим билан бу не ҳол?
Туш ичида кўрганам не туш?
Яна қанча ўқитганимнинг
Ададини Оллоҳ билармиш.

Шу тушимни кимгадир айтиб
Турганимда, уйғониб кетдим,
Тонг отипти, кучоқнамада
Ухлар эди жажжи гўдагим.

Сўзлаб берсам тушни чолима,
Деди, артиб ёшли кўзларин:
“Мен ҳам шу туш учун тун бўйи
Бола қараб чиққан бўлардим.”

Шундан бери йиғласа бола,
Чолим қулоқлари бўлиб динг,
Келинга дед: “Агар набирам
Ухламаса, ўзимга беринг”.

Бавзан эслаб ўша тушимни,
Дейман: “Оллоҳ мардларнинг марди,
Келинга бир яхшилик қилсам,
Минг баробар қилиб қайтарди.

Харамдаги ҳар ракат намоз,
Ёзилса гар минг ракат бўлиб,
Менга, ўх-ўх, қанча марҳамат,
Тарозилар кетади тўлиб.

Сизга балки, кулгилн, аммо,
Охиратдан умидим бисёр.
Дунёнинг энг кулгилу срида
Озми-кўлми имоматим бор.

Иншооллоҳ, у кун дейилур:
“Бу — Марҳабо, шоири авом,
Аёллардан чиққан ягона,
Биринчи ва охири имом”.

Сўрасалар: — Аёл кишита
Бу даражот берилди нечун?
Дейилади: — Келинга қилган
Биттагина яхшилик учун.



САВОБҚОН

Мустақил бўлдилар овсинлар секин,
Ўз уйида яшар тинчгина, эркин,
Сиз эса, кут, кузат, оғолмайсиз тин,
Қайнонаси билан турган келинлар.

Кексалар соғ бўлса, туришмас бекор,
Уйга қоровул, болага дастёр,
Ким инжиқ қарир, ким ҳалим, безор,
Қайнонаси билан турган келинлар.

Осонмас, баъзисин феълин кўтариш,
Гоҳо дуо олиб, гоҳ олиб қарғиш.
Хизмат қила-қила гоҳо ейсиз мушт
Қайнонаси билан турган келинлар.

Эгачи, сингиллар жонларга малҳам,
Аммо баъзилари олғир, муттаҳам,
Кўнглин олиш керак ҳаммасининг ҳам,
Қайнонаси билан турган келинлар.

Катталар бор жойдан узилмас меҳмон,
Кетар ошу овқат, тандир-тандир нон.
Бу уй ҳамманики, бу уй — талмон,
Қайнонаси билан турган келинлар.

Бир қизн зиратин илб кетади,
Бир ўғилн гилямнин шилб кетади,
Сизга қолса ёвга қолиб кетади,
Қайнонаси билан турган келинлар.

Баъзи овсинларда икки қаринч тил,
“Кексаларга ундай гапир, бундай қил”,
Ойда бир келишиб ўраттар ақл,
Қайнонаси билан турган келинлар.



Дерлар: Сизга қолар шунча ую жой,
Бизлар янги рўзгор, сиз бўласиз бой,
Сизга қолганиям кўрсин-а, вой-вой!
Қайнонаси билан турган келинлар.

Дегингиз келади, бор нарса сизга,
Ташиб олиб кетинг ўз уйингизга,
Дадажон, аяжон қолса бас бизга,
Қайнонаси билан турган келинлар.

Мен ҳам олиб кетай, демас, онасин,
Тўрт кун қарай демас, хаста отасин,
Булар ўстирган-ку бирдай ҳаммасин,
Қайнонаси билан турган келинлар.

Онасин талашмас мол талашгандай,
Нарсасин талашар жон талашгандай,
Ёқа ушлаб дейсиз: "Ё, тавба, хай-хай!"
Қайнонаси билан турган келинлар.

Кексаларга ҳеч ким бўлмас харидор,
Ва лекин улардан ҳар бола ҳақдор.
Улар сизга керак, сиз уларга зор.
Қайнонаси билан турган келинлар.

Бир ерта чиксангиз дер: "Келинг, тезроқ",
Кутарлар онасин кутгандай мушток,
Чунки силтамайсиз, соймайсиз қовок,
Қайнонаси билан турган келинлар.

Тунда ухламади қайнона бутун,
Кон босими ошди, билмайсиз нечун,
Сиз яна ёнида бедор туну кун,
Қайнонаси билан турган келинлар.

Ҳаёт кони меҳнат сиз учун ҳозир,
Кексалар, фарзанд, эр, иш, югур-югур,
Болангиздан кўринг, илоҳо, ҳузур,
Қайнонаси билан турган келинлар.

Кекса ота-она ҳаёт экан то,
Сизга савоб кони этилмиш ато,
Савоб олиб қолинг, обқолинг дуо
Қайнонаси билан турган келинлар.

Сиз қазган савобкон олдида ҳали,
Олтин конининг ҳам бўлмайди қадри,
Тарозига фақат савоб тушадди,
Қайнонаси билан турган келинлар.

Оллоҳ номи ила, Мархабо сўзим:
Меҳнатингиз қаттиқ, тилайман тўзим.
Ҳеч ким билмаса ҳам билмаган ўзим,
Қайнонаси билан турган келинлар.



ЯНГИ ДАРВОЗА

(ривоят)

Хабар келди: "То тўрттагача,
Уйланишга берилди руҳсат,
Лекин билинг, хотинлар ичра
Қилолмайсиз асло адолат."

Бир бой деди: "Хотин устига,
Олиб битта сарви коматин,
Иккаловин ўрталарида
Ўрнатаман мен адолатни."

Уйланди ва айтганин қилиб,
Бир хил кўрди икки хотинни,
Бир хилда уй, бир хил дераза,
Бир хил ўчоқ, бир хил ўтини.

Бир хил жаҳл, бир хил табассум,
Бир хил салом, бир хилда элик,
Хатто кийган кўйлаклари ҳам,
Бир хил ёқа, бир хил туғмалик.

Бой ўйлади: "Бўлар экан-ку,
Адолатни ўрнатса агар.
Ёлгон чиқиб қолса-я, ажаб,
Фаришталар келтирган хабар".

Хулосага сал шошилди бой,
Юганида ўз-ўзин мактаб,
Буёқ қудрат соҳиби сўзин
Ростлигини кўйди тасдиқлаб.

Тўққиз ойда тугди хотинлар,
Бири кизу бири ўғилча,
Бой хижолат, ёғилар савол:
"Бу қанақа адолат, почча?"

Бирига киз, бирига ўғил?
Тушунмадик, бу қандай ҳолат?
Келиб-келиб, энг муҳим ишда
Қилмабсиз-ку, ахир, адолат?"

Чақалоқлар чиллаи чиқмай,
Бойнинг уйи ғамхона бўлди,
Э, йўқ, бе йўқ, умр экан-да,
Икки хотин бир кунда ўлди.

Бой қилдирди бир хилда кафан,
Бир хил тобут, бир хил савана.
Бир пайтда чиқсин тобутлар,
Деса, битта экан дарвоза.

Икки қулоч деворни бузиб,
Бир дарвоза қурилди яна.
Бой кўнгли тўқ, руҳлар шод бўлсини,
Адолатми, адолат, мана.

Бир хил дарвозадан бир пайтда
Чиқиб кетди иккала тобут.
Бой ўйлади: "Адолатимдан
Хотинларим бўлгандир хушнуд".

Шу кеча туш кўрса, бош хотин,
Дерини: "Рози эмасман сиздан.
Эрқалатиб, янги хотинни
"Чиқардингиз янги эшикдан".

КУТИШ

Бобом уста эдилар катта,
Қаср қурганимилар жаннатда,
Дермиш: "Қурай, сенга ҳам битта,
Фиштинг қачон келади, болам?"

Ўлгандларин билиб турибман,
Туш эканин сезиб турибман.
Бобом дермиш: — Кутиб турибман,
Фиштинг қачон келади, болам?

Дер эмишман: — Қасрим биттан-ку,
Қиз узатиб, келин олдиму,
Яшапман, нима савол бу:
"Фиштинг қачон келади, болам?"

Битта кўринг салобатини,
Нақшу нигор ҳашаматини.
Бобом тақрорлармиш гапини:
— Фиштинг қачон келади, болам?

Иморатинг зўр, аммо, бироқ,
Унда яшай олмайсан узоқ,
Боқийсиға уй тикла тезроқ,
Фиштинг қачон келади, болам?

Жаннатда ҳам бор уй, маҳалла,
Аммо, битта кўрсайдинг. Мана,
Қанча уйлар ётипти чалла,
Фиштинг қачон келади, болам?

Сенинг уйинг, қуруқ пойдевор,
Тўсин, устун, зшик-ром юбор,
Бу ёқ ҳам бир муқаллас рўзгор,
Фиштинг қачон келади, болам?

Дер эмишман: — Худое, товба!
Жаннатда фиш топилмаса-я!
Ўзимизда яхши экан-да,
"Фиштинг қачон келади, болам?"

Сиз уста бўлсангиз, бу не ҳол?
Қуравермайсизми, бемалол?
Бордир, ахир, сотарга қум, лой?
— Фиштинг қачон келади, болам?

Бу қасрнинг меъмори — иймон,
Хомашёси — хайри эҳсон
Шошил, танда борлигида жон,
Фиштинг қачон келади, болам?

Мармардан қур, нурдан қур қаср,
Садафдан қур, дурдан қур қаср,
Ким ўзарга мусобақа қил,
Фиштинг қачон келади, болам?

Кўрган десин, тутганча ёқа:
"Қолган экан етишиб Ҳакка,
Охиратга ишлапти роса",
Фиштинг қачон келади, болам?

Вафо қилмас олтину заринг,
Савоб бўлсин йиққан гавҳаринг,
Ичим ёнар кечиккан саринг
Фиштинг қачон келади, болам?

Тасаввур қил, умр дарёдир,
Икки қирғоқ — икки дунёдир.
Иккисин ҳам обод қил ҳозир,
Фиштинг қачон келади, болам?

Бу дунё деб, у ёқдан кечма,
У дунё деб, бу ёқдан кечма,
Икки ёққа бир хилда сарфла,
Фиштинг қачон келади, болам?

Қилганинг ҳар савоб, яхши иш —
Шу қасрга қўйилган бир фишт,
Қўзим йўлда, юмушим — қутиш
Фиштинг қачон келади, болам?



ИККИ ТАРОЗИ

Бир савдогар бозорда
Олиб сотар эди ун.
Камида юз одамга,
Хизмат қиларди ҳар кун.

Эллик йил шу касб билан
Чўмичи бўлди мойда.
Етмиш йилда дард тегиб,
Ётиб қолди бир жойда.

Оғирлашиб бир кеча
Жон келди томоғига,
Таҳлил айтарди тинмай,
Укаси қулоғига.

— Ла иллаҳа иллаллоҳ,
Жон, акажон, тақрорланг,
Ака деги: — Шу сўзга
Тил келмаяпти, аттанг.

Айтай десам, бўғзимга
Бир қўл келиб қолгипти.
Тарози шайинини
Тиқиб-тиқиб олапти.

Бу аҳволни эшитиб,
Ука кўнгли кир бўлди.
Деги: — Айтинг, акажон,
Бу қандайин сир бўлди?

Ака хиритлаб туриб,
Тушунтирди гапини:
— Жон, ука, еб қўйганман
Қўпчиликнинг ҳақини.

Мен савдони икки хил
Тарозилда қилардим.
Тарозилар сирини
Фақат ўзим билирдим.

Бир тарози не тортса
Тўғри тортарди донм,
Бирин шайинин бузиб,
Фойдамга мослаб олдим.

Тортиб олаётганда
Тўғрисиш ишлатардим.
Тортиб бераётганда
Ўғрисиш ишлатардим.

Ўғрисишнинг шайини
Бир кило кўрсатган дам,
Тўғрисида чиқарди
Етти юз эллик грамм.

Уч юз кило ун сотсам
Юз кишига ҳар кунни,
Тарозилдан урардим
Етмиш беш кило унни.

Уч юз олтмиш беш кундан
Иборат бўлса бир йил.
Етмиш беш кило унни
Шу рақамга кўлайтир.

Йитирма ети мингту
Икки юз етмиш беш. Ун
Эллик йилда бир ярим
Миллион килога яқин.

Билар эдим савдода
Олтин қоида — тўғрилик.
Нафс деб бўйнимга тушди
Ўттиз минг қоп ўғрилик.

Ўттиз мингмас, миллиард қоп
Қилганимда ҳам уни,
Дўзахда бир бармоғим
Қуйганига арирми?

Оллоҳнинг тарозиси
Ерга ўрнатилган тоб,
Ўноҳим палласига
Тушар шу ўттиз минг қоп.

Дод, савобим палласи
Кўкда муаллақ қолиб,
Ўноҳ палласи юкдан
Ерга кетди оғиб.

Бу ҳаромни боламу
Ҷақамга елпиртандим,
Энди мени дўзахдан
Ким қутқариб олар, ким?!

“Тўй, сарпога пул топинг!”
Детан, хотиним қани?
“Дангиллатиб том ёпинг!”
Детан, хотиним қани?!

Етган ерим шу бўлиди,
Эл ҳаққин юла-юла.
Ука, боримни сотиб,
Зар матога кафанда.

Ҳар киши ҳаққин сўраб,
Пулсиротда тутилсам,
Шоянки, бир парчадан
Йиртиб бериб қутилсам.

Оҳ, укажон, “Аттанг!”, деб
Ёзир қабр тошимга
Ўғри тарозимни ҳам,
Ўрнатиб қўй бошимга.

Барча аҳли савдога
Умрим бўлсин бир ибрат,
Тобутимни мазорга
Тош, тўпроқ отиб қузат.

Биров ҳаққин бировда
Қолдирмас экан Оллоҳ,
Охирада энди мен
Нима қиламан, эй, воҳ!..

Қалима келтиролмай,
Ўлди савдогар ночор,
Гувоҳларнинг тилидан
Ёзилди ушбу ашъор.



МУЛК

*Ҳозир мулкдорлик даври бошланди,
сизнинг ҳам шахсий ер-мулкисиз борми?*

Муҳбир савол

Бу саволни кўп эшитганман,
Шукур, элнинг кўпчилиги бой,
Ҳамма ерда ободончилик,
Ҳатто қишда ҳеч ким кечмас лой.

Бир қишлоқда ўнлаб қорхона,
Иш жойлари ўғил-қизники,
Каттаи, кичикми, майли-да,
Энг муҳими — ўзимизники.

Мулк ҳақида фикрим бошқача,
Тушунмоққа қилинг ҳаракат,
Сизга айтсам, жисмининг ўзи,
Бутун бошли битта мамлакат.

Мен ҳеч нени янги қурмадим,
Ишлар ярим асрдан бўён,
Оллоҳ қуриб берган беиннат,
Битта “завод” ва бир “тегирмон”.

Ақлим — пошшо, онгим — ҳукумат,
Қўл — кўз, барча аъзо — фуқаро,
Ҳар бирининг ўз юмуши бор,
Иҳамгина шу жисмим аро.

Тегирмонда ўттиз икки тош,
Ўзи эзиб, ўзи аталар.
Кейин ишлар ақли завод,
Нима, қайта — ўзи жўнатар.

Уларнинг хомашёсини
Ишлаб топар кўл-оёқларим.
Жараёнда иштирок этар,
Албатта, тил, кўз, қулоқларим.

Виждон деган бир идорага,
Ҳар лаҳзада бераман ҳисоб.
Катта тафтиш ҳали олдинда,
Ҳар дуқаматга бераман жавоб.

Шу буюк мулк тасарруфимда,
Яна нени қилайин талаб...?
Асли менга шунинг ўзин ҳам,
Эвлаб туриш ўзи — катта гап.



КЕЛИШЛАРИ БИР БАЙРАМ, КЕТИШЛАРИ БИР БАЙРАМ

Ўғил-қизда беш-ўнга бола
Бобо-буви бўлдиқ, минг шукр.
Ўн беш кунда бир келишмаса
Кўзимиздан ўтади бир-бир.

Юрагимиз “оқиб” кетади,
Бир кўриниш бермаса улар,
Соғинганда тонгдан шомгача
Ўшаларнинг суҳбати бўлар.

“Каттасини қара, ақлли,
Кичигининг тиллари бийрон,
Ўғилчаси сакраб чарчамас,
Қизалоғи асал, қақажон.

— Кўнгирок қил, — дейдилар чолим, —
Гилосимиз пишди, келишсин.
Ўраб кўйдим икки шохини,
Кўли билан узиб сийишин.

Туришса-ку тез-тез жўнатиб,
Жа, қаттиқ-да, қудаларинг ҳам,
Набиралар бизгача ширин,
Соғинаркан кўрмаса одам.

Ва ниҳоят, кириб келишди,
Бола билан тўлди ҳовлимиз.
Мушук қочиб чиқволди томига
Зумда бозор бўлди ҳовлимиз.

Чолим деди: “Болаларимнинг
Келгандарин байрам қиламиз,
Бир куржамни босдим қозонга
Егандарин байрам қиламиз”.

Набиралар бошлашиб байрам,
Ховлини чайишли бир пастда,
Чилбичини отилиб томга
Сопсиз қолди шўрлик обдаста.

Гилосларнинг шохлари синди,
Пайхон бўлди тулминди, лола.
Бир шўхлиги ўнта бўларкан,
Бир-бирита кўшилса бола.

“Хой-хой” нинга қарамай юрар,
Бири томда, бири дарахтда.
Байрамчи ҳам унутиб чолим,
Хайратидан бўб қолди “тахта”.

Бир бобони олти набира
Суробини кўйди тўғрилаб,
Чолим деди: “Зап ҳам буларга
Қудаларинг яшаркан чилаб.

Бирисининг кўли шилинган,
Битталари йиртган кўйлагин,
Бўлди, энди байрам тугади,
Қачон кетишаркин, сўрагин.

Бошим оғриб қолди-ку менинг
Эшитимни ёпиб кўй зичроқ,
Берхулитанингни бергини
Уйларига жўнатвор тезроқ”.

— Вой, ўзингиз чақирдингиз-ку
“Соғиндим”, деб кўймай ҳолинг.
— Товба қилдим, энди уч-тўрт ой
Келмай туришса ҳам майлинг.

Кечта яқин кетишли қизлар
Мен ҳам чарчаб, бир бўлди ҳолим,
“Тинчлик қандай бахт!” — дея сескин,
Уйдан чиқиб келишар чолим.

— Бир соатга зўрға ярадим,
Вой-вой, бир-ку ҳовли хонаси
Асли, ўша қудаларингга
Орден бериш керак, онаси.

Ва қудилар: Жонлар роҳатга
Етишганин байрам қиламиз,
Кел онаси, чой дамла битта,
Кетишганин байрам қиламиз.



“ОИЛА”

Бирам иссиқ бу кўрпа,
Бирам яйратар танни,
Хар кун унда мириқиб
Ухлар битта Афанди.

Ул зот ўзи кўп нозик,
Пардан ҳатто тўшаги,
Бу бахт камдай, ёнида
Ухлар ювош эшаги.

Эшак боши бирам паст
Унинг боши баланддир.
Фовлаб ўсар ўртада,
Хужук деган қалампир.

Эшак шўрлик қаролмас
Афандининг бетиға,
Мустақил бир сўз айтса
Таёқ сйди кетига.

Энди уни ўлгунча
Қийнамас эрк хумори,
Ечимаси бас буйиндан
Никоҳ деган туморни.



Дасабийча охонлар



Хар киши обрўи элдан
Зўрға миққолаб йитар,
Кетмасин обрўи каснинг
Кетса ҳам жони асар.

ЎЛМАСИН

Майли ўлса жисму жон,
Номуси-оринг ўлмасин.
Кўни-Кўшнинг, улфатинг ҳам
Дўсту ёринг ўлмасин.

Борми, деб, ҳар даҳзада,
Йўқлаб турур ота-онанг.
Кўш қанотинг — ўша икки
Ҳаридоринг ўлмасин.

Ўчмасин, десанг, агар ҳеч
Хонадонингда чирок.
Жуфтинг ул уйингдаги
Кўзи хуморинг ўлмасин.

Ризқ-насиба бандага,
Албатта, Оллоҳдин келур,
Ошу нонингда сабаб ул
Қасби коринг ўлмасин.

Молни инсоф-да олу
Инсоф-да сот, эй, савдогар,
Охираг кўни қасод бўлиб,
Бозоринг ўлмасин.

Бир сабаб бирла азиз,
Қилгуси Оллоҳ бандасини,
Хофиз эрсанг хуш овоз,
Танбур, дуторинг ўлмасин.

Рози бўл қисматга, аммо,
Дуфидан ўзма умид,
Дарду ғамга қил шукр,
Сабру қароринг ўлмасин.

Ғар ғашо бўлганда ҳам,
Эй, Марҳубо, юртингда юр.
Ҳар кунингда элу юрт —
Ҳожаббароринг ўлмасин.



ПЕШОНАНГДА АГАР...

Йўқ қилолмас бандаси,
Давлат пешонангда агар.
Мавкёю обрў, чирой,
Савлат пешонангда агар.

Уста-уст келган билан,
Ғам синдиrolмайди сени,
Яхши ўртоқ, дўсту ёр,
Улфат пешонангда агар.

Неки тақдирда ёзилди,
Кутиломмасан қочиб,
Сабр этмай нетасан,
Тухмат пешонангда агар.

Ўз ичингдан чиққуси,
Ағёрлару душманларинг,
Бемехр чиққай жигар,
Кулфат пешонангда агар.

Жаннат дўзахни ҳар ким,
Феълу атвордин топар,
Хуш бўлур хулқинг сенинг,
Жаннат пешонангда агар.

Покдил ҳам меҳрибон
Солиҳ чикур фарзандларинг.
Қариганда ҳурмату
Иззат пешонангда агар.

Бошласанг сўз, Марҳубо,
Ҳар ўксиган дилини юнат,
Хушзабон шоир, деган,
Хислат пешонангда агар.

НАДОМАТ

Киборни дилга жо қилдим,
Нафси — подшо қилдим,
Хавасимни — Хуло қилдим,
Менинг одамлигим курсин!

Бировга айласам хизмат,
Қилиб хизматларим миннат,
Дилимда қолмади ҳиммат,
Менинг одамлигим курсин!

Десам сизга: Кўзим — ўғри,
Тилим қўй-у, дилим — бўғри,
Ози ёлгон, кўпи тўғри
Менинг одамлигим курсин!

Олиб қолсам омонатни,
Қилиб қўйдим хиёнатни,
Яна қилмай хижолатни,
Менинг одамлигим курсин!

Олай деб қасд, қилиб ниёт,
Евими айлалдим ғийбат,
Бу холимдан олинг ибрат,
Менинг одамлигим курсин!

Ўзим бир тангалик эшак,
Қилиб минг тангалик қўйлақ,
Бу дунёга бўлиб эрмак,
Менинг одамлигим курсин!

Нонимда қўшни ҳаққи бор,
Тузимда қўшни ҳаққи бор,
Қилиб феълимни мўъсик, тор,
Менинг одамлигим курсин!

Десанг: — Кимсан? Деюрман: — Дол!
Одамман-ку, бу не иснод?!
Ичимда айтаман, хайхот!
Менинг одамлитим курсин!



ТУПРОК

Сента бир арзихол айлай,
Кулоқ туттил, онам тулпроқ,
Шақл бошқа-ю, аслида,
Сенам тулпроқ, менам тулпроқ.

Ичингта бир уруғ тушса,
Берурсан, минг қилиб қайта,
Ўзинг ер, ҳимматинг осмон
Қабилур серқарам, тулпроқ.

Ўзингни хокисор билдинг,
Тамоми хокисорлардан,
Тушиб маъкул яратонга,
Бўлибсан муҳтарам, тулпроқ.

Менинг-чи, кибр-ҳавойимдан,
Само бўлди бу кун бошим,
Фикр этмам, келиб бир кун,
Бўлурман бир фарам тулпроқ.

Демаманки, тириқликда
Қилай тоат, чирок ўлсун,
У дунёда бўлур битта
Совуқ, зулмат хонам тулпроқ.

Бино кўйдим чиройимга,
Фурур қилдим, тушундим, кеч,
Бўлурман бўлсамам қанча,
Пари чехра санам тулпроқ.

Тириқликда сента қаттиқ
Оёқ босдим, қасос олма,
Борур бир кун кучоғингта,
Менинг ҳам гул танам, тулпроқ.

Ўшал кун кўркаман, чунки,
Савобимдан гуноҳим кўп
“Қалайсан энди?” деб, мендан
Олурсанми алам, тупроқ.

Кирурда Мархабо йиғлар:
“Сиқиб мента азоб этма,
Шу боиски маломатдан
Кўнглида кўп ярам, тупроқ”.



ТОПЛИМ

Қадрдонлар, қараб дилни
Бу кун киёру ҳаво топлим.
Ва, ҳар кимдан ўзим яхши,
Деган, ёлгон даъво топлим.

Тафаккурим кўзи бирлан
Кўнгли уйин қилиб тафтиш.
Асл ёрни эмас, дунё, деган,
Ёт дилрабо топлим.

Ўшал ёлгончи ёрнинг
Кўлида кўнглим асир эрди,
Кўриб Шайтонни шод унда,
Ўзим мотамсаро топлим.

Мента гўё қилиб ибрат,
Яратмишдир узи Холик,
Ўшал юзи қародан ҳам,
Ўзимни беҳаё топлим.

Ғурур отига миндим мен,
У бўлиди мента йўлбошчи,
Йўлим охирида “дўзах”
Деган тенгсиз бағо топлим.

Унинг тафтига дош бермай,
Юзим бирлан кўзим куйди,
Тўкилди чин юракдан,
Тавба ёшидан шифо топлим.

Умр ўртасида мен ногаҳон,
Қишим ўзимни қашф,
Вужудим оппогу, афсус,
Кўнглини қоп-қаро топлим.

Дилимни титкилаб шунча,
Тополмай битта хўп хислат,
Эгилди бошиму қайтанга,
Шунча можаро топдим.

Гуноҳим тоғига байроқ
Қилиб тикдим забонимни,
Бировлардан кўра кўпроқ
Ўзим ундан жафо топдим.

Кўзим очилганида эй, ўзим,
Сени сўраб, истаб,
Адашгану қоқинган,
Қанча осийлар аро топдим.

Бу аҳволга туширган мени,
Ким, тилму, оёқ, ё кўл?
Қилиб ҳисоб-китоб охир
Ақлни норасо топдим.

Пушаймон ўтида куйгай,
Қиёматга қадар бу дил.
Сен эй, дўзах, кўлинг торт,
Марҳабога чин жазо топдим.



ТАЗАРУ

Мени авф эт, сен, эй, офтоб
Жамолим, товба-товба,
Меҳрибону раҳмдил,
Баркамолим, товба-товба.

Неки ўтса мендин ўтди,
Журму исёним улугъ,
Эй жазога шошмаган,
Зулжамолим, товба-товба.

Кул бўлиб нафсимга юрдим,
Кеч очилди кўзларим,
Қаро бўлди бу номай,
Аъмолим, товба-товба.

Мен адашган нотагонни
Келсин инсофга, делинг,
Келса ҳамки сенга ранжу
Малолим, товба-товба.

Бир нигоҳинг тушлию,
Ерда кўриндим "яроқ" этиб,
Ёнли иймоним чироғи,
Ҳилолим, товба-товба.

Пок кўлингда бир пайт лой
Бўлганимининг хурмати,
Мени авф эт, ўзингсан-ку,
Кулолим, товба-товба.

Кибр осмонига учди,
Ерга тушди Марҳабо,
Ўзинг покда тиник баҳри,
Зилолим, товба-товба.

БИЛИНУР

Ким хунук, ким чин гўзал,
Рўзи қисмат билинур,
Кимда иймон сўнгану,
Кимда саломат, билинур.

Бунда тик юрган ҳисобмас,
Балки гуноҳ юкидин,
Ул кунни ким эгилур,
Ким сарвиқомат, билинур.

Бунда пул, молинг ҳисобсиз,
Унда ҳисобдир аниқ,
Тўпладинг қанча савоб —
Қанча даромад, билинур.

Қарзни уз, узмай кетарсан,
Унда савобинг кетур,
Номан аъмолда қанча,
Қамомад, билинур.

Бунда яхшию ёмон,
Тенглай юришса ёнма-ён,
Унда кимга тарбияю,
Кимга шафоат, билинур.

Бунда хор, унда азиздир,
Ким билур, қози — Илоҳ
Унда кимга олқишу,
Кимга миломат, билинур.

Марҳабони беиймон, деб,
Кулма, зоҳид, ул кунни.
Чин муҳаббат кимда-ю,
Кимда хушомад, билинур.

НАСИХАТ

Ҳақ йўлни тутинг,
Ўзгача олам бўласиз, ўғлим,
Жоҳил эсангиз, яхши бир,
Одам бўласиз, ўғлим.

Бу — сабру қаноат йўлидир,
Хайри савоб роҳи.
Мискин эсангиз, дунёда
Бекам бўласиз, ўғлим.

Бир эски чопон, эски чориг,
Кийтангизда ҳам
Иймон нури-ла хушрўю
Қўркам бўласиз, ўғлим.

Файрат ила дилни тозаглаб,
Барча қусурлардан,
Қўп яхши фазилат ила
Ўқтам бўласиз, ўғлим.

Келса алам, эш бўлади
Сабру қаноатлар.
Бу нафсу ҳавас сўзига
Беғам бўласиз, ўғлим.

Бир тоғ десангиз, кибру ҳаво
Бирдан ўзингизни,
Қамтарлигу жўнлик ила
Пастқам бўласиз, ўғлим.

Бир йўлки, қариндошу
Яқинларга бўлиб содиқ,
Тарқоқ эсангиз, хешлар ила
Жаҳм бўласиз, ўғлим.

Гар бой эсангиз, одаг этиб
Хайру саховатни.
Мискину гариб жонига
Малҳам бўласиз, ўғлим.

Гар тўғри юриб, тўғри туриб,
Кечса умр текис,
Келганда ўлим олдида
Бардам бўласиз, ўғлим.

Бу таниши кўнглини ювиб
Хар кунни беш бора,
Эл олдида бир покиза
Шабнам бўласиз, ўғлим.

Юрт устида султону, амир,
Беклигингиз бўлса,
Инсофда туриб, олигу
Хотам бўласиз, ўғлим.

Пок касбу хунари бирла топиб,
Ризқи ҳилолингиз,
Ҳам хайри саноб йўлида
Шаҳдам бўласиз, ўғлим.

Гар бу сўзим текарасин,
Айласангиз одаг,
Афреуу наломат ида,
Мулҳам бўласиз, ўғлим.

Гар сизга авол етса,
Менга етганидир, воҳ ким,
Жоним бўлаги, сиз меннинг
Парчам бўласиз, ўғлим.

МАЛОМАТ

Ал, кўнглим, ўшал Дўстнинг вафосига лойиқмассан,
Нифоси не ва ҳатто бир жафосига лойиқмассан.

Бошининг олдида отсанг, ити ўйнаб кўнгли очмас,
Итти бир лаҳзалик кайфу-сафосига лойиқмассан.

Сента — шармандага ул Ойни кўрмакка изн йўқдир,
У деб минг эрисанг, битта шифосига лойиқмассан.

Ўшал кулрат сени ўлдирмагайки ер либос ўлса,
Ўшал қора ва ҳам оғир матосига лойиқмассан.

Ўшал Ёрнинг ити ҳатто сента янглиш назар солмас,
Мана наҳсинг — итин ҳатто хатосига лойиқмассан.

Ҳисобингда субордай Марҳубо борми?! — десанг, у жим
Нинго йўқ, дол, яна долки, садосига лойиқмассан.





ИҚРОРЛИК

Садаф кўнглим тўла иллат, демак, нопок жунубдурман,
Ёмон одам эканманки, жунубликка кўнибдурман.

Ярашганда ёруғ эрди, дилим иймон нури бирлан,
Кетиб иймон, мойи биттан чироқ янглиғ сўнибдурман.

Десам ўзи уруғ, жамбилу райхондан тўкилгандим,
Вужудим ннш, ажаб, қайси тиканзорда унибдурман.

Кибр бирлан малол келдим ўзимга, ҳам жамоатга,
Ўзимни икки дунёда маломатта кўюбдурман.

Еудур поясида хоя ҳавас осмонига чиқдим,
Уйлмасдан ўшал кўкда ҳилол янглиғ тўлибдурман.

Матар кимга яқин юрсам қилиб мулзам, бериб озор,
Кичик аччиқ тилим бирдан гуноҳ тоғин уюбдурман.

Қилиб саздо фақат хоя ҳавасларнинг бозорида,
Қолиб нафс дардига, ҳайхот, ўлибдурман, ўлибдурман!

Қачонки Марҳабо ўлди, дейишса, денг: "ажаб бўлди",
Тирикликда чаён эрдим, қачон одам бўлибдурман?!



ЁЛҒОНЧИЛАР

Бу замоннинг бошига
Бўлди баҳо ёлғончилар.

Ойим нўра тарқатиб
Ифлос ҳаво: ёлғончилар.

Қанча жанжаллар чиқарди
Эл аро ёлғончилар,

Қанча дилни қилдилар
Мотамсаро, ёлғончилар.

Бўлди моҳир, лаънати
Шайтон кўлида дарс ўқиб.

Битта ёлғонин яширмоқчи
Бўлиб, ўрни тўқиб.

Кўнглига ёқмас кишини
Битта тишлаб, бир чўқиб

Қанча инсонлар дилин,
Қилди аро, ёлғончилар.

Ғийбату тухматга уйдан
Хар қулоқ динг бўб чиқар.

Яхши ишу яхши сўзга
Кўру қар, гунг бўб чиқар.

Тўшса бир тап қулоғига
Оғзидан минг бўб чиқар.

Қанча поклар шайини
Қилди қаро, ёлғончилар.

Хар киши обрўни элдан
Зўрга мисқолаб йнгар.

Кетмасин обрўси каснинг
Кетса ҳам жони агар.

Битта тухмат бирла ҳурмат
Қўкка учди мисли пар.

Бераҳм, жаллоду қотил —
Беҳайё ёлғончилар.

Алданиб кўп яхшиларнинг
Битмади ҳеч ҳожати.
Сизни деб дўсту биродар
Шуми кўрган роҳати?
Ҳийла-ю найрангиздан
Қолмади ҳеч тоқати,
Тангри, пайғамбар, китобга —
Бевафо ёлгончилар.

Кўлидан иш келмасу
Тилларига полвон бўлиб,
Фитнаю бўҳтонининг
Қарвонига сарбон бўлиб,
Соддалар бор жойда доим
Соҳиби даврон бўлиб,
Ўзларига охират қилгай
Жафо, ёлгончилар.

Ўйламассиз нета берди
Бандага тилни Худо.
Дилни дилга босламоқми
Иши, ё этмоқ жудо.
Ҳар сўзига охират кун
Ҳар киши олгай баҳо.
Қоламинг, деб, ўйламантки,
Бежазо, ёлгончилар.

Эл билур, ёлгончиликдин
Кўилар охир хорлигин.
Рўзи маҳшарда Худодан
Зўр жазонинг борлигин.
Марҳабо ҳам ул наҳслан
Қанчалар безорлигин
Билса эрди, билса эрди,
Безиё ёлгончилар.
Берсин инсоф сизга, деб,
Қилдик дуо, ёлгончилар.

КЎРИНМАЙДҲ

Қилларда қароргоҳи жанона, кўринмайду,
Кўнгил мулкнингинг шоҳи, дурдона кўринмайду.

Юрликни тўқис, бекам, ошкора бино этган,
Мамори жаҳон, ўзи пинҳона кўринмайду.

Тутмиш зотини махфий беманзилу беҳожат,
Билларин қилиб долу ҳайрона, кўринмайду.

Билмоқчи бўлиб, бағки ошқлар вафосини,
Жўрта қилиб ўзи, афсона кўринмайду.

Ул битта нигоҳ ташлаб, Тур тоғин қилибду кул,
Қайратда Мусо энди мардона, кўринмайду.

Пислинг тилаб этган, кўнглим, ол ана ибрат,
Тиринда Куёшнинг ҳам парвона, кўринмайду.

Қалбимга ўшал Ёрнинг ишқини чироқ қилсам,
Нинг нури ёритган дил вайрона, кўринмайду.

Кўнглим бир кўчам бўлса, мен унда кезиб шодман,
Масжиди чироқ ёнди, бутхона кўринмайду.

Юшминни этиб излай ул Ёрнинг ризосини,
Самонга қараб юрмоқ шарқона кўринмайду.

Ёр мингил кўнгилдир — кўнгил кўзи бирдан топ.
Тонкентда туриб боқсанг, Фарона кўринмайду.

Чангитма мени, дунё, ул Ёрда экан кўнглим,
Ҳамон излаган кўзга фаввора кўринмайду.

Манақарда кўрингайми, мен бир сергуноҳ қаста,
Ул дўста менинг янглиғ бетона кўринмайду.

Басқилли чўчиб йиғлаб ўлтирсам, туриб дерму:
Қайин, Марҳабо отлиғ девона, кўринмайду...



ЎЗИММАН

Ошиқларинг ичинда зўр харидор ўзимман,
Олов оташ юраги, кўр харидор ўзимман.

Висолинг растасига чопса лак-лак харидор,
Ғуборинг растасида гўл харидор ўзимман.

Етмайди деб молимини, жонни соддим қиссага,
Ўйладимки, ақаси мўл харидор ўзимман.

Делинг: "Менинг гардим — дур, сенинг жонинг
икки пул",
Иза бўлим, билдимки, гўр харидор ўзимман.

Сен ҳам ошиқмисан деб кулар бўлсанг, ўргилай,
Қаҳқаҳанга ҳамд ила жўр харидор ўзимман.

Юриб-юриб элониб Сента йўлни топганда,
Севингдан кўз ёшлари кўл харидор ўзимман.

Сен томондан не келса, хатто, захар бўлса ҳам,
Бол, деб, мақтаб олайин, кўр харидор ўзимман.

Училиш бор бир кун: «Кел, Мархабо», деюрсан,
"Кет", десанг, гир, манглайи шўр харидор ўзимман.



Зорфиз угли
Абдунозица эзилган
қушиқлар



Хар жойда ой, калдуз бир,
Уша тупроқ, ўша кыр,
Нимасидир барибир,
Ўз юртингда бошқача.

САВДОГАР

Тижоратини дундирган савдогар,
Бозорни молга тўлдирган савдогар,
Елиб-югуриб, чопиб, ўз халқига,
Шоҳию кимхоб кийдирган савдогар.

Бир пайтлар номин атаб "чайковчи",
Кайта борса, изида бир қовловчи,
Шукр, энди замон келди ажойиб,
Талбиркору хунариданли қўловчи.

Кўнглин тарқ этмаса инсоф, дённат,
Харидор ҳақига қилмас хиёнат.
Мол нуқсонини айтиб сотмоқ иймондан,
Тўғри ўлчаб, тортмоқ ҳам бир ибодат.

Дуо қилиб сўрай Роббим холиқдан:
"Айримасин дастмоя-ю, соғлиқдан,
Савдосига баракот бер, тинчлик бер,
Қарз бўлмасин ижарано солиқдан".

Тўғри, росттўй савдогарлар, албатта,
Ҳикмат бордир, юрар ҳурмат, иззатда,
Пайғамбарлар билан, валийлар билан,
Бир қаторда турармиш охирада.

Марҳабо дер: Омон бўлсин, ўлмасин,
Сиҳат юрсин, боши ташвиш кўрмасин,
Тўлиб тошсин расталари мол билан,
Бай очмаган кўни асло бўлмасин.

ЙЎЛ НАЗОРАТ ХОДИМЛАРИ

Қўллариди митти таёқ,
Бизлар рулда, газда оёқ,
Тўхтатди юрсак чаток,
Йўл назорат ходимлари.

Йўлларимиз текис, равон,
Ипак йўли, тоғли давон,
Тартиб қондасига посбон,
Йўл назорат ходимлари.

Шайтон қилиб гоҳи "вос-вос",
Дейди: "Тезроқ ҳайда", "бос-бос",
Тўхтатди, ана холос!
Йўл назорат ходимлари.

Овга чиққан шердай пусиб,
"Учар"ларнинг йўлин тўсиб,
Талонини берар тешиб,
Йўл назорат ходимлари.

Гоҳ назорат хонасида,
Гоҳ дарахтлар панасида,
Туришди хушёр жулда,
Йўл назорат ходимлари.

Чироқ ёқиб ҳайдовчилар,
Бир-бирини оғоҳ этар,
Детан каби: "Йўлда турар,
Йўл назорат ходимлари".

Хизмат жойи йўл, туну кун,
Хавфу хатар, гарду тутун,
Қаҳрамонлик умри бўлун,
Йўл назорат ходимлари.

"Бўлиб куй-ғазалга ошно,
Яшаб юринг", деб, Марҳабо,
Ҳақингизга қилгай дуо,
Йўл назорат ходимлари.

ЭЪТИРОФ

Осмоннинг туриши ҳам,
Юракнинг уриши ҳам,
Чумчуқнинг юриши ҳам,
Тошкент-Шошда бошқача.

Калиндай гул, гулзори,
Илқироқдай қиш, қори,
Хатто чопон бозори
Самарқанда бошқача.

Мачит, минор, мезана,
Кашта, палак, сўзана,
Битта келиб кўринг-а,
Бухорода бошқача.

Тил шеваси адабий,
Солда, шўхлик абалый,
Битта бўлса ҳам волий,
Фарғонада бошқача.

Ўзига хос, уй, тутум,
Чой куйишар бир култур.
Гапириниш йўқ гумбур-гум,
Марғилонда бошқача.

Тўйларининг завқи бор,
Тупруғининг барқи бор,
Хоразмдан фарқи бор,
Анлижонда бошқача.

Сеҳрли куй-навоси,
Ширинроқ сув, ҳавоси,
Хатто куёв сарпоси,
Наманганда бошқача.

Тевараги қир, тоғлик,
Баҳки шунга ҳам боғлик,
Улфатчилик ўртоғлик,
Шаҳрисабзда бошқача.

Боғларнинг булбули ҳам,
Дўппиларнинг гули ҳам,
Ўчоқларнинг кули ҳам,
Жиззах юрда бошқача.

Софлик, солда, жўнликлар,
Дўппи, яқтак, тўнликлар,
Лол қолар японликлар,
Бойсун элда бошқача.

Ҳар жойда ой, юлдуз бир,
Ўша тупроқ, ўша қир,
Нимасишир барибир,
Ўз юртингда бошқача.



БОЛАЛАР УЙИНИНГ БОЛАСИ

Келмайди ота-ю онаси,
Йўқамас тоғаю холаси,
Қалбида овозсиз ногласи,
Болалар уйининг боласи.

Уйи бор, умрида келмаган,
Қўл куйиб қулча нон емаган,
Тиллари "аяжон" демаган,
Болалар уйининг боласи.

"Бойчечак", "гул ёр" дан беҳабар,
"Омон ёр", "алёр" дан беҳабар,
"Рамазон", "ёр-ёр" дан беҳабар,
Болалар уйининг боласи.

Билати кўзминчоқ кўрмаган,
Хўрозқанд, қурутоб сўрмаган,
Бешиксиз, алласиз ўлмаган
Болалар уйининг боласи.

Қутишлар кўнглини ташламас,
Улғайса кўзини ёшламас,
Боласин кўчага ташламас,
Болалар уйининг боласи.

Эй, инсон, доимо хушёр бўл,
Бойининг, шухратинг икки пул,
Дунёда бор экан хастадил
Болалар уйининг боласи.

КЎШДИЛАР

Сени аллаб, гўзалим, бетоната кўшилилар,
Ўлағрича дунёда ягоната кўшилилар.

Тенгинг сенинг тилломиш,
Менинг ишқим хийломиш,
Мени атаб қалбаки, ростмоната кўшилилар.

Келди ёр-ёр овози, синди юратгим сози,
Охларимни ёр-ёр деб, тароната кўшилилар.

Қинқиралиб янгалар, тераётиб тангалар,
Мени лойта, ганимни дурдоната кўшилилар.

Ўюл бўли юракка, завол бўли юракка,
Бўлиб ишқим қасрини, вайроната кўшилилар.

Адам мени ўлдирди, паймонамни тўлдирди,
Ҳақиқатни, наҳотки, афсонага кўшилилар.

Жоним кетди сен билан, юлдузларга тенг билан,
Жасадимни бир шўрлик пешонага кўшилилар.

Миралиб ғийбатидан, соғларнинг рўйхатидан,
Марҳубони ўчириб, девоната кўшилилар.



КИЗЛАРИМГА

Бу кизларим чучуктомоқ, етанлари ҳолводир,
Яёв юрмас, минтанлари “Мерседес”у “Волво”дир.
Ватанлари буюк, шундан жиндай баланд лимоглари,
Музқаймоқ емаса, кунда “тушиб” қолар томоқлари.
Аммо, камтар бўлсин дейман, тўққлик бўлсин кўзида,
Чунки дунё кузатётган Ўзбекистон кизи-да.

Эркалайман: “Бу дунёда сиздан гўзал кизлар йўқ,
Ҳали сизга шахзодалар совчи кўяр, кўнглим тўқ”.
Зийнатлаб хулқ-одобини, ўргатиб илм-урфонни,
Таррифлайман алломалар юрти бўлган Туронни.
Фахр билан ўссин, дейман, иймон бўлсин ўзида,
Чунки олам кузатётган Ўзбекистон кизи-да.

Улар менинг бори-йўғим, кўзларимнинг қароғи,
Юратимнинг қувончию уйларимнинг чароғи.
Ёшлигидан кийсин улар шарму-ҳаё либосини,
Бутун дунё ҳавас қилсин, одобию ибосини.
Шавдлари пок бўлсин, дейман, гард бўлмасин изида —
Чунки дунё кузатётган Ўзбекистон кизи-да.



Четқолдан аббат димиған шеърлар



Бошинг кўтар, қадингни тут,
Сен йиқилмас минорсан.
Мир Ашиер экиб кетган
Ўзбек деган Чинорсан!

ЎЗИМ БИЛАН ТАНИШУВ

Мен ҳам навруз раҳматидан
 Умидвор бир дарахтман.
 Нетай, қишнинг даҳшатидан
 Тану жони қарахтман.
 Бутун ногоҳ кўзим очдим,
 Кулоғим ҳам ўқди сас,
 Таним секин илимоқда,
 Кўккам келса ажабмас.
 Секин-секин, аста-аста,
 Кузатдим ён-атрофни
 Менинг қаби кўп дарахтлар
 Кутаётир офтобни.
 Ўйлаб қолдим: мен ўзи ким?
 Сақсовулми, ё терак?
 Салқинимда бетоналар,
 Арча бўлишим керак.
 Қал-бастимини кўрдим бир кун
 Боқиб офтоб томонга.
 Бўйим шўйлай баланд экан,
 Бошим тегди осмонга.
 Унда нета томирини
 Қаламушлар кемирар?
 Баргларида бир асрдан
 Бўён қуртлар семирар?
 Менинг зумрад шохларимга
 Алвон латта осди ким?
 Йўқми, менинг ўз-ўзимнинг
 Рангимга мос кўйлагим?
 Бутонимга нима учун
 Зоғ-қарғалар ин қурган,
 Тўтиқушлар ширатлаю
 Хасратлашир бўлбуллар?

Нега менинг жоним оғир,
 Тугамар «оҳ»ларим?
 Қани менинг Усмон деган,
 Чўлпон деган шохларим?
 Қачон эркин вужудимга
 Чирмовиқлар ёпишди?
 Бу талончи чумолилар
 Мени қачон топишди?
 Бошим қотди: кимникиман,
 Отим нима, зотим ким?
 Ким хўжайин иллизимга?
 Кимга қарар баргларим?
 Кимга тегар мевам, гулим,
 Кимга мерос салқиним?
 Гар йиқилсам тоғиларми,
 Суярга бир яқиним?
 Савол билан ерга боқдим,
 Кўкка боқдим чулдираб.
 Ҳам заминдан, ҳам осмондан
 Сало келди гулдираб:
 “Бошинг кўтар, қалдингни тут,
 Сен йиқилмас минорсан.
 Мир Алишер экиб кетган
 Ўзбек деган Чинорсан!”

1989 й.



Ишдан келдим, болажон,
Ол, онангининг лошини!
Ошхонадан ётоққа,
Хончанганга кирмайман
Умид қилма, чарчадим,
Эртақ айтиб бермайман.

1989 й.



ИШХОНАДА ЁЗИЛГАН ШЕЪР

Қани жўнанг, қогозлар,
Столимнинг устидан!
Жинни бўлдим, ниҳоят,
Ёзувларининг дастидан.
Узиб қўйдим тонгданок,
Телефонларнинг симин.
Бошлиқ йўқласа, айтнинг
Тугади «ташриф куним».
Очмайман эшикни, бас!
Сув босса ҳам оламини,
Она бўлиб шу бутун
Ўйлаб, касал боламини.
Аспириннинг таъсири
Уч соатга ярайди.
Билса, боғча опаси
Гўрнимга гишт қалайди.
Тугилибоқ боғида
Бола бўлган болам-эй,
Гоҳ ориқлаб, гоҳида
Бўла бўлган болам-эй.
Нетай, ишлашим керак,
Қийинчилик кезлари
Афсус, буни тушунмас
Томонининг бозлари.
Энди онанг узоқ йил
Ўйлаб шўрва-ошини,
Силаб яшар сенингмас
Қогозларнинг бошини.

1987 й.

ҲАШАР

ОТАМЛА

Бутун уйда йўқсиз, гарчи якшанба
Бир кунлик тинимни нари итариб,
Саҳардан қайсибир кўшниникида
Девор урансиз терлаб, қизариб,
Оҳорли дўппингиз кўрпа қатиди
Байрамларни кутар, тўйларни кутар,
Жони жонингизга туташ бу элнинг
Кўпроқ ҳашарида умрингиз ўтар.
...Мен яшар кўчада — яхшилик қиммат,
Ҳашарга чақирсам, ҳеч ким чиқмайди,
Бунда бир юракдан чиққан оқибат
Тамасиз бир дилга қалда тикмайди.
Мен яшар кўчада нуқуслик гўдак
Йиғлар туз йиғилган қовуғин ушлаб,
Мен уни нима деб юпатай, ота?
Мен уни қаерга обқочай?
Мея яшар кўчада келажак-сўроқ,
Қурир бисотимда ёлғиз денгиз ҳам.
Қуриётган фақат у эмас, бироқ,
Тутаб бораётган ёлғиз у эмас...
Бавзида сиз экан тоқларга боқиб,
Уялиб кетаман одамлитимдан,
Улар ҳамон сўритокларда яшар,
Улар қишда ухлаб, баҳорда туриб,
Ҳамон шу ховлини билишар Ватан,
Яшил баргларида шабодаларга.
Ҳамон ўз тилида қуйлайди кўшиқ,
Ҳамон ўз тилида қуйлайди кўшиқ,
...Меннинг забонимни тингланг, отажон,
Кейин қулоқ беринг набирангизга.
Дейсиз: "Қай даҳжада нени сўзлайдир,
Ваҳ, билиб бўлмайдир, билиб бўлмайдир!"

Мен сизни ҳашарга чорлайман, ота,
Юратимнинг чуқур-чуқур ерига.
У ерда ростларим нажотсиз ётар,
Журъатларим патсиз, қанотсиз ётар.
Ширин ёлгонларни шимиб яшадим,
Гўзал ёлгонларни қучиб яшадим,
Ёлгон билан бошни бағодан асраб,
Балки етмиш йилдан кўпроқ яшадим.
Узоқ яшадим мен, узоқ яшадим.
Рост сўзларим — гўдакларим, яланғочларим
Кўзлари жовдираб қолаверди жим.
Мен сизни ҳашарга чорлайман, ота,
Зантор минорларин гурурин туймас,
Буюк боболарин руҳига қуймас,
Мозийдан бетона, ҳайрон кўчага,
Ўзиги, эртаси безовта қилмас,
Шоир боғалари жонин тикса ҳам,
Тузатиб бўлмас бир вайрон кўчага
Мен сизни ҳашарга чорлайман...



ЮБОРИЛМАГАН МАКТУЪ

(Акака)

Ака, мени кутмай кўйган ҳовлимиз
 Тушларимга кирар анжири туллаб,
 Кўзларига ўса кўйган, саҳарҳез
 Бир кампир яшайди эртақлар куйлаб.
 Мана, мен кўз очиб таниган дунё:
 Чилдирма, китоб ва диторларнингиз.
 Ўзингиз кўшиққа этансиз ошно,
 Севиниши ўратган китобларингиз.
 Ғийбатчи шамоллар кулоғингизга
 Заҳарлар куйдилар — бўғзингизда «дод»
 Меҳр ва нафратнинг оралиғида,
 Топилти бизларга муносиб ҳаёт.
 Ака, мен бўйлари булутдан ўзган
 Гул эдим, пастладим тупроққа қалар.
 Бир кун қад кўтариб етиб олардим,
 Маконингиз осмон бўлмаса агар.
 Ака, қатгим учун келар ҳар баҳор
 Менинг қайсарлигим, сиздаги нуфуз,
 Ғарп орамингда ишқбилмас, беор
 Бир дунё яшайди фасллари куз.
 Энди мен ўсмайман, сизга етмайман.
 Ўсар чирмовиқлар дилни озорлаб,
 Айниқса, юксалмоқ мушкул осмондан
 Энг баланд юлдузинг турмаса чорлаб.
 «Деворда» бир йитит, қайсар ва доно,
 Ёқаси пуборсиз, мағрур олинфат.
 Кўнглингизга йўллар ахтариб танҳо
 Узоқ термулман суратингизга.
 Унутманг, сиз қачон палов дамлайсиз,
 Зиранинг бўйлари тутар ҳовлини
 Учоқ бошда эса, афсус, кўрмайсиз,
 Бир қизча ўлтирар ялаб лабини.


1983 й.

ДАРАХТЛАР

*Баланд-баланд дарахтларим,
 пастлаб қолибсиз.*
 Усмон АЗИМОВ

Бу кўчанинг дарахтлари
 Пастлаб кетишган.
 Йўқ, уларни журъат, ғурур
 Ташлаб кетишган.
 Осмоннинг борлигини,
 Тиниқлигини,
 Тупроғининг поклигини,
 Илқлигини
 Унутгандар ва жимгина
 Пастлаб яшарлар.
 Томиридан униб чиққан,
 Ғурури тирик
 Боғларин юратгани
 Фашлаб яшарлар.
 Боғларин кўймайдилар
 Ўсайин деса,
 Шамолларнинг йўлларини
 Тўсайин деса.
 Чунки баланд отлари
 Кесилган беун.
 Осилганлар, отилганлар,
 Бўлганлар сургун.
 Булар шундан кўрқар ва жим,
 Паст бўлиб яшар,
 Бўронларнинг йўлларида
 Хаё бўлиб яшар...

1985 й.



ҚОДИРИЙНИНГ РАФИҚАСИ АЙТГАН ҚЎШИҚ

Сиз кетдингиз, кетингиздан жим
Ўчоғимнинг куллари куйди.
Онанигининг жойнамоzlари,
Рўмолимнинг гуллари куйди.
Келарсиз деб шунча кўп кутдим?
Фанонинг-да фурсати етди.
Қарийиб минг йил яшадим гўё,
Умр шунча узариб кетди.
Кунлар — хасис дарахтлар каби,
Гарчи ҳар лаҳзаси гуллади.
Шиф мевади шохин силкитсам,
Менинг этагимга тушмади.
Кўзимдаги суратингизни
Ёш-ла ювиб, киприк-ла тараб,
Сарғаймасин, ўнгимасин деб
Авайладим, юрдим кўп қараб.
Бир кун келиб ўлсам ҳам уни,
НКВД топмас ҳойнаҳой.
Билмайдилар Қодирий учун,
Қароқларим энг ишончли жой.
Бу дунёда мени, билмадим,
Нима ушлаб турибди энди.
Куёш кўкдан кетиб бўлди-ку,
Ёруғ тонг ҳам отмайди энди.
Тақдиримда сароб орзуни,
Кувиб қонлар ютмоқ бор экан.
«Ўғли» деган шум хабарни ҳам,
Сабот билан кутмоқ бор экан.
Баҳорлари унутиб кетган
Фариб, ёлғиз тутта ўхшадим.
Япроқларим сарғайиб битди,
Шамолларга соврилиб кетди.

Секин-аста манзилтоҳ пойим
Бўшаб қолди чуқомалардан,
Энди узун, иссиқ кунларда
Кутмай кўйдим булутларни ҳам.
Сиз кетдингиз, кетингиздан жим
Рўмолимнинг гуллари куйди...

1983 й.





* * *

О, қадрдон менга бу қабри!
Кўз олдимдан кетмас нарига.
Соф жавоҳир кўмилган қаср
Онам ётар унинг бағрида.
О, бу тобут менга қадрдон!
Иссиқ тегар кўзимга бағри.
Саватдаги оқ тулдай бежон
Онам ётганлари туфайли.
...Кетгани йўқ ўша кун онам,
Уйимизда қолиб кетди у.
Кетган бўлса, ўша тобутда,
Бизларни ҳам олиб кетди у.



1984 й.

* * *

Мен — булутман, қошингизга
Ёғмоқ учун бораман.
Сотинчиларим кўймас, унда
Қолмоқ учун бораман.
Хар баҳорда қийнаганда
Рухни армон тўлини
Тўсиб қолар ўғилчамнинг
Қиприқлари йўлимни.
Оҳ, қоламан, яна бир йил
Тўлмоқ учун яшайман.
Осмонда энг алвон булут
Бўлмоқ учун яшайман,
Сиз... Хар баҳор кўкка боқиб,
Кўйиб дунё ишини,
Тоқат билан кутасиз бир
Хавонинг айланишгини...



1989 йил.

СИЗНИ СЕВГАЧ...

"Сизни севгач, мен чаманда долларга учирам"

Халима Хулойбердиева

Сизни севгач, мен сеҳрли
Наволарга учирадим.
Ҳам алоқсиз баюларга,
Баюларга учирадим.
Баҳорими, кузакмиди,
Сиз-да мента учираган?
Қанотларим синди, қаттиқ
Ҳаволарга учирадим.
Юлдузларга қўл узатдим,
Куйдирдилар қўлимни,
Майсаларга юзим босдим,
Эсатдилар ўлимни,
Билмам қайси чорраҳада
Алаштирдим йўлимни?
Куйди бағрим, беғил, деган,
Давюларга учирадим.
Талпинганим юлдузмиди,
Бой бердимми Оғтобни?
Алмашдимми унга қалр,
Ғурур деган моҳтобни?
Ўқимоққа маҳкумманми
Армон деган китобни?
Сизни севгач мен сеҳрли
Наволарга учирадим.
Ҳам алоқсиз баюларга,
Баюларга учирадим...

1989 й.

ЎЗБЕК ҚИЗИ ХАНГОМАСИ

Хориждан келди одам,
Йўқлади мусаввирни:
«Бизга керак чинакам
Ўзбек қизин тасвири.
Ўзбек қизи — маъбула,
Ўзбек қизи — назокат.
Дунё бизнинг музейда
Қўрсин тирик нафосат».
Сурат учун қолдириб,
Зарҳалли бўш гардишни.
Умид билан юртга,
Учиб кетди чет киши.
Ишонч учун минг қуллук,
Қиз топилса бўлгани.
Расом ўзбек қиз ҳақда
Шаҳар кезиб ўйлаб:
«Сочин ўриб ташласа,
Ерга тушса буралиб.
Ибо билан турсинми
Атласига ўралиб?»
Э, йўқ чакки ўйлаб ман,
Атламай «халқ дўшмани».
Куйлак кийиб сонидан,
Ечиб юрсин тутмани.
Қизармасин Нолира
Увайсийни танимай.
«Гот» атаб ўғлини
Алга айтсин «Баю-бай».
Борини чизай десам,
Чикмаса ифрат, ҳаё.
Чет эл билан ўртада,
Бошланса-я бир баё».



Эх, бир қарор топмасдан,
 Хафсизаси бўлиб пир,
 Бўш гардишни орқалб,
 Кишлоқ кетди мусаввир,
 Пахтаси оқ қизларнинг,
 Чанг, доғ эди яноғи,
 Кетмон тутган қўлларнинг
 Кетармикин қалогин?
 Узун-узун кокиллар,
 Тароқ кўрмас ой, ҳафта,
 Рузномалар таъкиллар;
 «Ватанга керак пахта!»
 Боқиб бўм-бўш гардишта,
 Рассом бўлди лол, қарахт,
 Ночор сурат ўрнига,
 Ёзиб кўйди бир дастхат:
 “Кўп ерларни кезинму
 Фурбат кетди беҳуд,
 Назокат топилино
 Топилмади маъбуд,
 Юз йил олдин келсангиз,
 Кўйиб ҳамма юмушни,
 Шу гардишта чизардим
 Марғилонлик Кумушни”.



1988 й.

МУНДARIЖA

ЭНГ БУЮК КАШФИЁТ	3
Юрт ҳақида қўшиқ	3
Панонини ким ўтирлади?	4
Дев минган йигит	6
Энг буюк кашфиёт	10
Улкаси тешик от	11
Нукм	16
Энг гўзал тушим	17
Савобдон	18
Йигит дарвоза	21
Кутини	24
Наси тарози	26
Мулк	29
Кетишлари бир байрам, кетишлари бир байрам	33
“Ошир”	35
ИССАВИЙЧА ОХАНГЛАР	38
Улкасини	39
Панонингиз атар	40
Назокат	42
Тупроқ	43
Тоғнинг	45
Тоғару	47
Йилмур	49
Насиҳат	50
Миллат	51
Назорат	53
Кетишлари	54
Кумушмур	55
Улкасини	57
НОРНИЗ УЎЛИМ АБДУНОЗИМГА ЁЗИЛГАН КЎПИЧЛИКЛАР	58
Савобдон	59
Энг гўзал тушим	60
Кетишлари	61
Кетишлари ўзининг боласи	62
Кетишлари	64
Кетишлари	65

Кизларимга	66
ИСТИҚЛОЛДАН АВВАЛ БИТИЛГАН ШЕРЛАР	67
Ўзим билан танишув	68
Шунча Марҳубо	70
Меҳнат татилим тутали	71
Ишхонада ёзилган шър	73
Хашар	74
Юборилмаган мактуб	76
Дарахтлар	77
Қодирининг рафикаси айтган кўшик	78
“О. қалрдон менга бу қабр! ..”	80
“Мен — булутман, қошингизга ..”	81
Сизни севган!	82
Ўзбек кизи ҳантомаси	83

МАРҲУБО

КЕЛИШЛАРИ БИР БАЙРАМ...

Шерлар

Тошкент — «Yurist-media markazi» — 2011 й.

Муҳаррир *Адиба Ҳамро кизи*
 Техник муҳаррир *Муҳриддин Ҳамроев*
 Рассом *Шухрат Одилов*
 Саҳифловчи *Суннат Пўлатов*
 Мусоҳҳиҳа *Дилшода Авазбоева*

УДК: 821.512.133-1

ББК: 84(5Ў)6

Мархабо, Каримова.

Келишлари бир байрам... (шеърлар) / - Т.:
«Yurist-media markazi» nashriyati, 2011. – 88 б.

ISBN 978-9943-387-23-2

УДК: 821.512.133-1

ББК: 84(5Ў)6

Нашриёт лицензияси АИ №092, 16.07.07 й.

Босишга рухсат этилди 15.09.2011 й. Таймс Тал гаринтураси.

Бичими 60×84^{1/16}. Офсет босма. Офсет қоғози.

Шартли босма таъбири: 5.5. Нашриёт босма таъбири: 4.25. Адади 1000
нуса. Буюртма №23-11. Бухоси келишимдан нархда.

«Yurist-media markazi» nashriyati, Toshkent sh., 100129, Navoiy
kuchasi, 30-uyi. Tel: 244-13-08, 717-76-88.

E-mail: yurist-media markazi@inbox.ru

«Sinus media» МЧЖ боғлиқонасида чоп этилди.

Toshkent sh., Bobur kuchasi, 4-uyi. Bуюртма № 127.

ЎҚИДИ
Esdaalik uchun
BOT 18/2
Talabasi
Kutubxona
Markazidan
uchun.